

АСҚАРОВА Сандахон Мусохон қизи
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
докторанти
saidakhon1216@gmail.com

АРАБ АДАБИЁТИДА МАҚОМА ЖАНРИ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

ЭТАПЫ ФОРМИРОВАНИЯ ЖАНРА МАКАМЫ В АРАБСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

STAGES IN THE DEVELOPMENT OF THE MAQAMA GENRE IN ARABIC LITERATURE

Аннотация. Ушбу мақолада араб адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган мақома жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари, жанрий ва услубий хусусиятлари таҳлил қилинади. Мақомани наср ва назм уйғунлигига асосланган, риторик безаклар ва сўз ўйинлари орқали муаллиф маҳоратини намоён этувчи жанр сифатида тавсифлашга алоҳида эътибор қаратилган. Мақолада Бадиуззамон Ҳамадонийнинг мақома жанрига асос солишидаги ўрни ҳам кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: мақома, сажъ, араб адабиёти, Бадиуззамон Ҳамадоний, кудья, балогат, наср ва назм.

Аннотация. В данной статье анализируются возникновение, этапы формирования, а также жанровые и стилистические особенности жанра макамы, занимающего особое место в арабской литературе. Особое внимание уделено характеристике макамы как жанра, основанного на гармонии прозы и поэзии, демонстрирующего мастерство автора через риторические украшения и игру слов. В статье также рассматривается роль Бади аз-Замана аль-Хамадани в основании жанра макамы.

Ключевые слова: макама, саджъ (рифмованная проза), арабская литература, Бадиуззамон Хамадони, кудья, балягат (риторика), проза и поэзия.

Annotation. This article analyzes the emergence, stages of formation, as well as the genre and stylistic features of the maqāma, a genre that occupies a special place in Arabic literature. Special attention is given to describing the maqāma as a genre based on the harmony

of prose and poetry, which demonstrates the author's mastery through rhetorical ornaments and wordplay. The article also examines the role of Badi' al-Zamān al-Hamadhānī in laying the foundation of the maqāma genre.

Keywords: maqāma, saj' (rhymed prose), arabic literature, Badi' al-Zamān al-Hamadhānī, kudyā, rhetoric, prose and poetry.

КИРИШ

Араб адабиёти тарихи кўп қиррали жанрлар ва бой бадий аъёналарга эга бўлиб, улар орасида мақома жанри алоҳида аҳамият касб этади.

“Мақомот” деб номланган бир қатор асарлар дунё бўйлаб катта шухратга эришган, уларга шарҳлар ёзилиб турли тилларга таржима қилиб келинмоқда. Мисол сифатида Бадиуззамон Ҳамадоний, Ҳаририй, Маҳмуд Замахшарий, Носиф Ёзижийнинг “Мақомот”ларини келтиришимиз мумкин. Бу асарларнинг бири-бирига ўхшаш жиҳатлари билан бирга фарқли томонлари ҳам мавжуд. Бу эса адабиётшунос ва тилшуносларнинг эътиборини жалб қилиб келмоқда.

Бу жанрда ёзилган асарларда фасоҳат ва балогатнинг энг ёрқин намуналарини кўришимиз мумкин. Мақома жанри мураккаб услубга эга бўлиб муаллифлардан алоҳида маҳорат талаб этганлиги сабабли фақат энг уста ижодкорларгина бу жанрда асар ёзган. Вақт ўтиши билан мақома жанри форс, яҳудий ва европа халқлари адабиётига кириб борди.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Мақомот” сўзи – “мақома” сўзининг кўплик шакли бўлиб унинг маъноси бир нечта тарихий босқичлардан ўтган. Ибн Мунзирнинг “Лисонул араб” луғатида, Жавҳарийнинг “Сихоҳ” луғати, Замахшарийнинг “Асосул балоға” асарида ҳамда бошқа машҳур луғат асарларда “мақома” сўзи – “мажлиса, йиғин” деб таърифланган [13:9].

Жоҳилият даврида “мақома” сўзи “мажлис, йиғин жойи” маъносида ташқари “шу мажлисни ташкил этган одамлар жамоаси” маъносида қўлланилган. Уммавийлар даврида бу сўз маъноси диний тус олиб – “халифа ёки амир ҳузурида айтиладиган ваъз-насихат”ни

англатган. Кейинчалик бу сўз шеърлар ва қадимий воқеалар ҳақидаги хабарларга тенглаштирилган. Аммо IX асрга келиб, “мақома” сўзи ўзининг юксак мавқеидан “тиланчилик” ва “садақа сўраш” даражасига тушиб қолган. Бадиуззамон Ҳамадоний даврига келиб “мақома” сўзи – “фасоҳатли кишилар мажлиси, мажлисда гапириладиган хутба, ваъз, насиҳат, ҳикоят ва қиссалар”га ишлатила бошланди [1:108].

Араб адабиётида “мақома” деганда – сажъ (қофияли наср)да ёзилган қисса ёки ҳикоя назарда тутилади [6:3]. Бу қиссалар мақоманавис олим маҳоратига қараб бадиий санъатлар билан бойитилган бўлиб унда битта қаҳрамон ва ҳикоячи бўлади. Мақомаларда сўзга, тилдаги нафосатга катта даражада эътибор қилинади ва услуб шундай кўтариладики, у лафзий безакларни ўз ичига олиши жиҳатидан ҳатто шеърдан ҳам ошиб кетади. Мақоманавис ижтимоий муҳитни ҳаққоний очиб беради ҳамда оддий ҳар кунлик мавзуларни юқори савиядаги бадиий сўз билан ифода этади.

Х. Гибб: “Мақома жанри шарқ адабиётида энг юксак ва мукаммал баён шаклидир [5:32].”- деб таърифлаган.

Х. Фахури: “Мақома – бу қисқа ҳикояга ўхшаш жанр бўлиб, унда тиланчилик ва ҳийла-найранг ҳақида сўз юритилади. Бу жанр ёзувчининг сўз бойлиги ва адабий маҳоратини кўрсатиш учун ёзилади. ...Мақомалар энг аввало тил ва бадиий жиҳатдан катта қийматга эга. Улар ўша давр ҳаётининг бир қисмини акс эттиради [10:738].” – деб ёзади.

“Фанну мақомат фи адабил арабий” асари муаллифи Абдулмалик Муртоз мақома жанрининг келиб чиқиши ҳақида: “Мақома жанрининг тарихий кўриниши – фақир кишиларнинг давлатманд кишилардан кунлик озука, маблағ сўраш мақсадида айтган таъсирли сўзларидир [13:30]” деган фикрни билдиради. Сабаби қадимда фақир кишилар амалдор ва бадавлат шахслардан турар жой, таом ёки моддий ёрдам сўраганларида уларда раҳм-шафқат туйғусини уйғотиш учун ижтимоий ҳолат, турмуш қийинчиликлари ҳақида батафсил ва таъсирли баён этишлари керак бўлган, бунинг натижасида “қудя”- сўраш/тиланчилик қилиш санъати вужудга келган. Айнан шу санъат

“мақома” жанрига асос бўлганлиги эҳтимоли мавжуд [13:24-45].

Мақомот жанри қачон ва ким томонидан асос солингани ҳақида адабиётшунослар турли фикрлар билдирган. Айримлар бу жанрни X асрда Ибн Дурай Аздий яратган [14:10], деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса унга X асрда Аҳмад ибн Фарис [8:700] асос солган, дейдилар. Яна бир гуруҳ олимлар эса мақомот жанри XI асрда Бадиуззамон Ҳамадоний томонидан яратилган [9:25], деб таъкидлайдилар.

Бу фикрларнинг турлича бўлиши табиий. Чунки ҳар қандай адабий жанр бир вақтда пайдо бўлмайди. У узок вақт давомида ривожланиб, босқичма-босқич шаклланади.

Шу билан бирга, барча адабиётшунослар Бадиуззамон Ҳамадоний “мақома” атамасини илмий муомалага киритгани ва бу жанрнинг асосий қоидаларини белгилаб берган биринчи олим эканлиги борасида шубҳа қилмайдилар [9:25]. У бу атама билан ўзининг машҳур мақомаларини ифодалаган. Б. Ҳамадонийдан аввал ҳам “Мақомот” асарлари ёзилган, лекин улар бадиий асар эмас, диний асарлар бўлган. Бундай асарлар “мақомот” деб номланган бўлсада, бу номнинг бирлик шакли “мақом” эди [13:90]. Масалан ибн Қутайба (828-889) нинг “Мақомот”и. Ибн Қутайба асаридаги ҳар бир қиссага “мақом” номини берган.

Б. Ҳамадоний “Мақомот” асарини 985-йилда ёза бошлаган [11:8]. Асар 51та мақомадан иборат бўлиб уларда бадиийлик билан бирга ҳазил-мутойиба ҳам мавжуд. Б. Ҳамадоний мақомаларида ўхшаш маъноли мақомалар мавжуд эмас. Б. Ҳамадонийнинг мақомалари – фасоҳати, тасвирийнинг гўзаллиги, истиора, киноя ва таврия каби маънавий санъатларнинг кўплиги билан ажралиб туради.

Б. Ҳамадоний барча ҳикояларига бир ровий яъни Исо ибн Ҳишомни танлайди, қаҳрамон сифатида эса Абулфатх Искандарийни келтиради. Бу икки шахс ҳам тарихда яшаб ўтган шахслардир. Асар қаҳрамони адабиётдан хабардор ҳийлакор тиланчи қиёфасида намоён бўлади ва одамларни нотиклиги билан доимо ҳайратга солиб туради. Б. Ҳамадоний “Мақомот”идаги ҳар бир мақома қаҳрамон борган шахарлар номи билан номланган.

Б. Ҳамадоний мақомаларида на тугун (конфликт), на мукаммал сюжет бор. Катта

эҳтимол билан, Ҳамадоний бундай жиҳатларга умуман аҳамият бермаган. Чунки у асло ҳикоя ёзишни мақсад қилмаган, балки шогирдларига араб тили услубларини ўргатиш, уларни сараланган сўзлар билан таништиришни истаган. Бизнинг замонамиздаги кўплаб тадқиқотчиларга бу жиҳат ноаниқ бўлиб қолди. Улар мақомани ҳикоя тури деб ўйлаб, уни замонавий қисса билан таққосладилар ва унда кўплаб камчиликлар бор, деган хулосага келдилар [12:7].

Демак, мақома илк бошиданок таълим учун мўлжалланган. Эҳтимол, шу сабабдан Б. Ҳамадоний уни “қисса” ёки “ҳикоя” деб атамай, “мақома” деб номлаган. Б. Ҳамадоний уни ўқувчига қизиқарли қилиш учун қисса шаклида баён этган.

Б. Ҳамадонийдан сўнг кўплаб “Мақомот” асарлари ёзилди. Бу асарлар орасида Б. Ҳамадонийнинг услубида ёзилган мақомалар мавжуд бўлиши билан бирга унинг услубидан узоқлашиб янги услубга кўчган мақомалар ҳам шуҳрат қозонган.

Мақома жанридаги асарларни 4 услубий йўналишга бўлинади [13:213-277]:

1. Ибн Қутайба услуби – тарихий шахслар бошидан ўтган воқеаларга оид тарихий ҳикоялардан иборатдир. Бу йўналишда ижод этган адибларнинг иши асосан ушбу насихатомуз суҳбат ва ҳикояларни тўғри танлашда намоён бўлган. Улар бу асарларга “Мақомот” деб ном берган бўлсалар-да, янги асар яратмаганлар. Шу сабабли мақомаларнинг бу тури машҳур бўлмади ва араб адабиётига сезиларли таъсир кўрсатмади. Шунга қарамай, кейинчалик Ибн Абд Раббих, сўнгра Абу Ҳомид Ғаззолий ҳам шу йўналишда ижод қилганини кўрамиз.

2. Бадиуззамон Ҳамадоний йўналиши – мақомалар одатда зийрак ва ҳозиржавоб ровий ҳамда адабий билимга эга бўлган тиланчи-ҳийлагар қаҳрамон ўртасидаги сажъ услубида ёзилган суҳбатлардан иборат. Шунингдек, у насихат, тасвир, мадҳ ёки ҳажв каби мавзуларни камраб олади. Ҳамадоний усулида ёзилган мақомаларнинг энг асосий белгилари – ҳаракат, диалоглар, манзараларнинг янгиланиб туриши, ҳазил ва кулгидир.

Ҳамадоний йўналиши энг машҳур бадиий услуб бўлиб шу қадар оммалашиб

кетдики, ундан бошқа услубларни ортида қолдирди. Бунинг далили ўларок, мақома жанр тараққиётининг турли босқичларида Ҳамадоний йўлишида ижод қилган мақоманавис ёзувчилар сонининг кўплигини келтиришимиз мумкин. Бу йўналишда ибн Набота Саъдий (941-1014), Абдуллоҳ ибн Накия (1020-1092), Ҳаририй (1054-1122), ибн Аштаркуний (ваф.1143), ибн Жавзий (1116-1201), Аҳмад ар-Розий (ваф.1330), Носиф Ёзижий (ваф.1871), Аҳмад Шидийяк (ваф.1887) каби машҳур адабиётшунослар мақомалар ёзган.

3. Маҳмуд Замахшарий йўналиши – кескин ҳаракатлар, диалоглар ҳамда “қудья” (тиланчилик мавзуси)дан бутунлай ҳоли, ҳолис тафаккурга асосланган йўналиш. Бу усул кўпроқ сокин суҳбатларга ва муайян масалаларнинг мавҳум жиҳатларини муҳокама қиладиган нафис услубда ёзилган рисоаларга ўхшайди. Шу сабабли, Замахшарий йўналишида ёзилган мақомаларда жонли мулоқот деярли учрамайди, доимий ҳаракатда бўладиган қаҳрамонлар ҳам йўқ. Бу йўналишда ижод этган ибн Молик Қуртубий (XI аср), ибн Байтар (1197-1248), ибн Хатиб Андалусий (1313-1374), Шиҳобиддин Қалқашандий (1355-1418), Абдурахмон Суютий (1445-1505), Муҳаммад Иброҳимий (1889-1965) нинг мақомалари машҳур.

4. Бошқа услубларда ёзилган мақомалар. Бу турдаги мақомалар замонавий адиблар томонидан ёзилган бўлиб улар мазмун, шакл ва услуб жиҳатидан юқорида келтирилган йўналишлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

П. Тептюк Б. Ҳамадоний услубида ёзилган мақомаларнинг машҳурлигини таъминлаган бир неча сабабларни келтирган:

1. Аввало, сюжетдаги бадиий тўқиманинг эркинлиги, тарихий ҳақиқатга қатъий боғланмаганлиги муаллифларга ўз фикрларини ҳаёлий қаҳрамонлар никоби остида ҳеч қандай тўсиқларсиз баён этиши, шунингдек, ўзларининг лексикографик билимларини намоёниш этиш имкони мавжуд эди.

2. Мақоманинг жанрий жиҳатдан ранг-баранглиги, яъни унда бошқа араб адабий жанрларининг унсурлари мавжудлиги муаллифларга асарлари учун адабий сюжетларни танлашда катта эркинлик яратди.

3. Мақомаларда бош қаҳрамон илмий фарибгар кўринишида намоён бўлади. Қаҳрамонда бир-бирига зид сифатларнинг мавжудлиги бу жанрнинг муваффақиятга эришишидаги энг муҳим омиллардан бири бўлди [7:79-84]. Ваҳоланки, К. Брокельман: “қаҳрамонларнинг ташқи кўриниши билан уларнинг нотиклиги ўртасидаги зиддият адабиётда кенг тарқалган ҳодиса [1:108],” – деб таъкидлаган.

Мақома жанрида ижод қилган ёзувчилар сони камида етмиш нафар экани маълум [4:4]. Бу жанрдаги асарлар ҳатто XX аср бошларида ҳам яратилган. Мақомалар Яқин Шарқнинг айрим бошқа халқлари адабиётига, хусусан, форс ва яҳудий адабиётига ҳам кириб борган. Шунингдек, ушбу жанр XVI—XVII асрларда Европа пикареска жанрининг шаклланишига таъсир кўрсатган, деб ҳисобланади [2:1-10].

ХУЛОСА

Мақома жанри наср ва назм уйғунлиги, нутқий маҳорат ҳамда қатъий тузилган композицияси туфайли араб адабиёти тарихида ўзига хос, бетакрор ўрин эгаллайди. Мақома жанри шаклланиши узоқ тарихий жараён натижасидир. Бадиуззамон Ҳамадоний бу жанрни тизимлаштириб, илмий асосини яратди. Кейинги даврларда мақома жанри турли услубий йўналишларда ривожланиб бошқа халқлар адабиётига ҳам таъсир кўрсатди. Мақома жанри нафақат бадиий, балки таълимий ва маданий аҳамиятга эга бўлиб, у араб тили ва адабий анъаналарни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Замонавий тадқиқотларда ҳам бу жанрнинг бадиий ва ижтимоий хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Brockelmann C., Pellat Ch. Maqāma // Encyclopaedia of Islam Vol. VI. – Leiden: E. J. Brill, 1986.
2. Jareer Abu-Haidar. “Maqāmāt” Literature and the Picaresque Novel. / Journal of Arabic Literature. Vol. 5. – Leiden, 1974. – pp. 1-10.
3. Ауэзова З. М. Особенности развития жанра макамы в арабской литературе (XI-XIII в.) Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Санкт-Петербург, 1993.
4. Борисов В.М., Долинина А.А. Абу Мухаммед аль-Касим аль-Харири Макамы. – Москва, 1978.
5. Гибб Х.А.Р. Арабская литература. – Москва, 1960.
6. Сайдумаров М. Ҳаририй Мақомалари. – Тошкент, 1996.
7. Тептюк П.С. Некоторые особенности классической макамы. // Вестник СПбГУ. Сер.13.Вып.4. – Санкт-Петербург, 2013.
8. جرجي زيدان. تاريخ آداب اللغة العربية. – مصر، 2012. – ص. 700.
9. حسن عباس. نشأة المقامات في الأدب العربي. – القاهرة، 1985.
10. حنا الفخوري. تاريخ الأدب العربي. – بيروت، 1953.
11. شادي مجلي عيسى شكر. فن المقامات في الأدب العربي. – القاهرة، 2015.
12. شوقي ضيف. المقامة. – القاهرة، 1973.
13. عبد الملك مرتاض. فن المقامات في الأدب العربي. – تونس، 1988.
14. محمد رشدي حسن. أثر المقامة في نشأة القصة المصرية الحديثة. – مصر، 1974.